

## СУРХОН ВОҲАСИ ЭРКАКЛАРИНИНГ МАВСУМИЙ КИЙИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ

Хайдаров Одил Эргашевич

Термиз давлат университети,

эркин тадқиқотчиси

hajdarovodil188@gmail.com

### АННОТАЦИЯ

Воҳа аҳолиси эркаклари кийимларининг шаклланишида анъанавий хўжалик машғулоти (чорвачилик деҳқончилик хунармандчилик), табиий географик иқлим шароити (тоғ, тоғ олди, дашт), ҳамда фасллар билан боғлиқ таъсири айниқса, сезилиб туради. Этнографик тадқиқотлар халқ кийимлари, гарчи анъанавий бўлсада, улар ҳеч қачон ўзгармаган ва ўзгармайди деб ҳисоблаш нотўғри эканлигини тасдиқлайди. Кийимларнинг ўзгариши жараёни авлодлар алмашинуви билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, этнология фанида кийимлар тарихининг асосий яратувчиси ҳисобланган «инсон» вафот этиши натижасида янги авлод ўзи учун янги, ўзига хос бурилишлар, миллий маданият ва анъаналар яратади. XIX аср - XX аср бошларида Сурхон воҳасининг тоғ, тоғ олди ва даштли ҳудудларида яшовчи аҳолининг ўзига хос анъанавий, мавсумий кийимлари шаклланган.

**Калим сўзлар:** ёқа, бўз кўйлак, яхтак, гуппича, иштон, кифтаки, магиз, жияк, чироз, оқ бўз, олача, мўкки, чориқ, маҳси-калиш, чопон-тўн, рўмолча, камзул, желак, чакмон, кебенек, пўстин, белбоғ, бўз, чит, сатин.

### ABSTRACT

The influence of traditional types of economic activity (cattle breeding, crafts), natural and geographical climatic conditions (mountains, foothills, steppes) and the season is especially noticeable in the formation of men's clothing in the oasis. Ethnographic research confirms that it is a mistake to believe that folk dress, although traditional, has never changed and will never change.

The process of changing clothes is closely connected with the change of generations, and as a result of the death of the “man”, who is considered the main creator of the history of clothing in ethnology, the new generation creates new, unique curves, national culture and traditions for themselves. In the 19th century - early 20th century, the inhabitants of the mountainous, foothill and steppe regions of the Surkhan oasis developed their own traditional, seasonal clothing.

**Keywords:** collar, gray shirt, yakhtak, guppicha, pants, kiftaki, magiz, jiyak, chiroz, gray bel, olacha, mocha, chorik, mahsi-kalish, cape-ton, scarf, vest, jelak, chakmon, kebenek, postin, belt, grey, chit, satin.

## АННОТАЦИЯ

*Влияние традиционных видов хозяйственной деятельности (скотоводство, ремесла), природно-географических климатических условий (горы, предгорья, степи) и времени года особенно заметно в формировании мужской одежды оазиса. Этнографические исследования подтверждают, что ошибочно полагать, что народная одежда, хотя и традиционная, никогда не менялась и не изменится.*

*Процесс смены одежды тесно связан со сменой поколений, и в результате смерти «человека», считающегося главным творцом истории одежды в этнологии, новое поколение создает новые, неповторимые изгибы, национальные культура и традиции для себя. В 19 веке - начале 20 века у жителей горных, предгорных и степных районов Сурханского оазиса выработалась своя традиционная, сезонная одежда.*

**Ключевые слова:** воротник, рубашка серая, яхтак, гуппича, штаны, кифтаки, магиз, жияк, чироз, бел серая, олача, мокки, чорик, махси-калиши, накидка-тон, платок, жилет, джелак, чакмон, кебенек, постин, пояс, серый, чит, сатин.

## КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Сурхон воҳаси эркакларининг анъанавий кийимлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввало уларнинг ички кийимлари бўз кўйлак, энгил яхтак қишда қалин гуппича, иштон-пойжамадан иборат бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ўзбек эркакларининг кўйлаклари ёқа қисми елка ёқа (кифтаки) кўринишида бўлиб, уларни бичими ва тикилиши турли худудларда турли хил кўринишда бўлиб, ҳар хил номлар билан аталган. Тошкент, Фарғона водийсида энгил оқ матодан тикилган елка ёқа кўйлақлар кифтаки кўйлак «муллача», «мусулмон кўйлак», Фарғона тожиклари, сартларда, «яхтак кўйлак» деб аталган. Воҳада эса елка ёқали, яъни бош кириб чиқишига мўлжалланган йирмочи кўндаланг бўлган кўйлақлар «кифтаки кўйлак» ёки «муллача кўйлак» номлари билан аталган, бу кўйлақлар бичимига кўра узун, тик бўлиб, бел ва энг қисмлари кенг бўлган.

Бойсун тумани музейининг экспонатлари орасида йирмочи чеккаларига қора ёки дағал матодан «мағиз», яъни тасмачалар тикилган ва йирмочи чеккаларига жияк – чироз тикилган эркакларнинг энгил елка ёқа кўйлаклари ҳам бор бўлиб, улар оқ бўз, олача ёки йўл-йўл матолардан тикилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Сурхондарё этнографияси ўқув қўлланмаси (муаллифлар С.Н.Турсунов, Т.Р.Пардаев) 2010.43-52-бетлар.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)**

Сурхон воҳаси эркакларининг мавсумий кийимлари ва уларнинг ўзига хос кўринишлари таҳлили жараёнида ўзбек олимлари, хориж олимлари ҳамда Дала ёзувларидан фойдаланилди. Ҳ. Исмоиловнинг “Анъанавий ўзбек кийимлари”, Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси, И. Жабборовнинг “Ўзбеклар”, О. Бўриев. М. Усмоновларнинг “Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар”, Т.А. Абдуллаев, С.А.Ҳасановнинг “Одежда узбеков” (XIX-нач. XX вв.), У. Карабаевнинг “Этнокультура”дан манба сифатида таҳлил этилган. Сурхон воҳаси эркакларининг мавсумий кийимлари ва уларнинг ўзига хос кўринишларини ўрганишда дала ёзувлари билан бир қаторда ўзбек ва хориж олимларининг мақола ва асарларини чуқурроқ ўрганишни тақоза қилади.

## **МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)**

Сурхондарё воҳасида асрлар оша турли этник гуруҳлар яшаб келмоқда, у ерда ўзига хос тарихий-маданий этнографик воҳа вужудга келган бўлиб, анъанавий маданиятнинг юраги ҳисобланади. 2001-йилда Бойсун ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан халқ маданиятининг дурдонаси деб тан олинганлиги тасодифий эмас<sup>2</sup>.

XX аср бошларида Сурхон воҳасида эркакларнинг енгил ички кийимларидан «бўз бола кўйлак», «чор ёқа кўйлак» кенг тарқалган бўлиб, бу кўйлакнинг олди очик бўлиб, ёқасининг ичидан бошқа мато тўрт бурчак шаклида кўйилган. Одатда бундай кўйлак кийилганда ичидан яна бир кўйлак кийилганга ўхшаган, шунинг учун ҳам у воҳанинг тожик аҳолиси орасида «чор ёқа кўйлак» деб юритилган. Худди шу кўринишдаги кўйлаклар Фарғона водийсида, Қашқадарёда яқтак кўйлак бўз бола кўйлак деб юритилган. Яқтак-олди очик, ва кенг бўлиб, оқ йўл – йўл матолардан тикилган<sup>3</sup>. Воҳада яқтак кенг тарқалган анъанавий эркаклар кийими ҳисобланган. Яқтакнинг олди ёқа қисмига боғичлар, кейинчалик тугмалар қадалган. Ёш йигитлар яқтагида чўнтак бўлган бўлса, кексалар яқтагининг ёқаларига турли хил хошиялар билан безатилган қора, тўқ рангли босма кашталар туширилган.

<sup>2</sup> Д.Раҳматуллаева, У. Ходжаева, Ф. Атачанова Либослар тарихи -Т.: «Sano-standart» nashriyoti, 2015-yil. - 246 bet.

<sup>3</sup> Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. - Т.: Янги аср авлоди, 2005. - 215 б.

Эркакларнинг энгил устки кийимларидан яна бири «гуппи», «гуппича» - совуқ қиш фаслида тоғларда чорвадор аҳоли орасида кенг тарқалган. Гуппи астарли бўлиб ичига пахта, жун солиб қавилган.

Қозоқларда эса «куппи» деб аталиб, гуппилар тиззадан баландроқ ёки пастроқ бўлган.

Чорвачилик билан шуғулланган аҳоли туя, қўй, эчки жуни солиб қавилган «гуппи»лар кийган<sup>4</sup>.

Воҳа эркаклари киядиган иштон, чолбар, пойжома деб аталиб, узун ва кенг бўлиб, липа, оғ (ғиштак) ҳамда пойчадан иборат бўлган. Иштоннинг тикилиши услуби воҳада деярли бир хил бўлган, хусусан, липпасига иштонбоғ ўтказилиб, оғи катта бўлиб, пойча оралиғида очилиб турган, пойчалари эса тиззадан паст, тўпикдан баланд ҳолда тикилган. Эркакларнинг иштони асосан бўздан тикилган<sup>5</sup>.

XX асрнинг 30-йилларига келиб бутун Республикамиз бўйлаб татарча «камзур», «камзул» кенг тарқала бошлаган, Воҳада янги нусхада пайдо бўлган камзурлар-«желак» номи билан атала бошлаган.

Эркакларнинг анъанавий устки кийимларидан яна бири бу чакмондир. Чакмонларнинг босма чакмон, қоқма чакмон, тивити чакмон каби бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни рангларига қараб кўк чакмон, малла чакмон, оқ чакмон деб аташган. Чакмонлар асосан қўй ва туя терисидан тикилган. Чакмон бичимиغا кўра тўнга ўхшаш бўлиб, фақат аврадан тикилган ва чопон устидан кийилган.

Туя терисидан тикилган чакмон «малла чакмон» деб аталган, «қоқма чакмон» - уйда қўлда тикилиб тайёрланган, «баноти мовут чакмон» олий сифатли мовутдан тикилиб, уни бойлар кийишган, эчки жунидан тайёрланган чакмон - «катиш» ёки «оқиш» чакмон дейилган. Оқ чакмонлар камёб бўлиб, хамма оилаларда ҳам оқ чакмон кийиш учун иқтисодий шароит етарли бўлмаган. Чакмоннинг ёқасига, энгининг учларига ва этакларига рангли ипакдан тўқилган жияк тикиб чиқилган.

Чакмон йилнинг совуқ фаслида, ёмғирда кийилган ва чўпонларнинг асосий қишқи кийимларидан бири ҳисобланади.

Эркакларнинг анъанавий мавсумий устки кийимларига чўпонлар ёмғирли ҳавода киядиган «кебанак» ҳам кирган. Кебанак энгсиз кўринишдаги халатсимон кийим бўлиб, фақат бош кириши учун ва қўл чиқиб туриши учун махсус ўйма жойлар қолдирилган. Кебанакда жунли тўда

<sup>4</sup> Дала ёзувлари Жарқўрғон тумани Хайитобод тепа маҳалласи 2021.

<sup>5</sup> Сурхондарё этнографияси ўқув қўлланмаси (муаллифлар С.Н.Турсунов, Т.Р.Пардаев) 2010.43-52-бетлар.

боғламлар, изма-из, қаторма-қатор кўринишда тикиб чиқилган бўлиб, махсус ёмғирдан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Ёмғир, қорда жун орасига кирган ёмғир суви, силкитганда тез тўкилиб кетган. Кебанакни кўпроқ чўпонлар кийган. Сурхон воҳасининг тоғ олди қишлоқларида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида кўпроқ ички астар қисми қўлда тўқилган шойи матодан, устки қисми жун ёки кигиздан иборат бўлган кебанак кенг тарқалган.

Эркакларнинг мавсумий, анъанавий устки кийимлардан яна бири пўстиндир. Пўстинни қўй, тулки, сувсар териларидан тайёрланиб, ички қисми ҳайвонларнинг мўйнасидан, устки қисми эса ошланган теридан тикилиб, бўялган. Иссиқ кунларда пўстиннинг мўйнали қисми устига чиқариб кийилган, совуқ кунларда мўйнали қисми ичига қилиб кийилган, умуман пўстинни икки томонлама кийиб юриш қулай бўлган. Воҳада пўстинларни қайси ҳайвон терисидан тайёрганлигига қараб «барра пўстин», «сувсар пўстин», «кигиз пўстин» деб номланган<sup>6</sup>. Пўстин ҳам асосан тоғ қишлоқларида яшовчи чорвадорлар орасида расм бўлган, уни совуқдан ҳимоя сифатида чопон, чакмон устидан кийишган.

Сурхон воҳасида эркакларининг анъанавий кийимлари мавсумий қилиб тикилган. Воҳанинг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшаганлиги ва иқлим совуқлиги сабабли ҳайвонлар терисидан тайёрлаб тикилган кийимларни кийишган. Эркаклар отда ёки яёв узоқ сафарда юрганда, хўжалик ва уй-рўзғор юмушларини бажарганда кенг этакли устки кийимларни кийишган.

Воҳа эркаклари чопон, чакмон ва яктак каби уст кийимларнинг устидан белбоғ боғлашган, белбоғлар айрим ҳудудларда белқарс ҳам деб номланган. Белбоғ бўз, чит, сатин каби матолардан тикилган. Чорвадор аҳоли теридан, жундан тўқилган шол белбоғлар, фўта белбоғ, матри белбоғ боғлашган.

Белбоғ боғлаш ўсмирликдан йигитликка ўтишнинг рамзий белгиси ҳисобланган. Анъанавий кийимларнинг ажралмас қисми бўлган белбоғ жуда қадимийдир. Белбоғнинг рамзий маъноси жуда кенг. Ўзбек белбоғлари амалий, маросимий ва магик функцияга эга. Эр ва аёлларнинг аза ва тўйларда бел боғлаши маросимий аҳамият касб этади. Воҳада тўйларда куёвнинг оила бошлиғи, эр бўлганлиги, бели бақувватлигининг рамзий белгиси сифатида келиннинг тоғаси ёки янгаси унинг белига қаттиқ тўқилган белбоғ боғлайдилар. Бойсун, Шеробод тумани ўзбек қўнғиротларида боғланган белбоғ тугуни белнинг бақувватлиги, кучининг мустаҳкамлиги

<sup>6</sup> Дала ёзувлари Шеробод тумани Тарокли маҳалласи 2021.

рамзи деб қаралган ва куёв белбоғини куёв жўралар тўй охиригача ечиришмаган. Белбоғ орасига пул, ширинлик солиб боғлашган. Ҳолбуки, белбоғда бойлик ва севги рамзи сифатида қаралган. Демак халқимиз эрлик, бақувватлик, бойлик рамзи, кўнгилнинг тўқлигига ишонч, магик эътиқод, севги тимсоли сифатида белбоғ боғлашган.

Халқимизда белбоғ билан боғлиқ, бир қанча рамзий удумлар мавжуд бўлган. Турмушга чиқаётган қизлар сарпо сифатида куёвга ўз қўллари билан турли нақшлар солиб белбоғ тикишган, энг қадрли меҳмонга, хушхабар келтирган хабарчига ҳам белбоғ берилган. Баъзан бир неча белбоғ белга бирин-кетин боғланиб, узок, сафарларда зарурат бўлганда белбоғ дастрўмол, жойнамоз, ҳамён вазифаларини бажарган. Шунингдек, одамларнинг белбоғ боғлаши рамзий маънода унинг йиққан мол-дунёсини ҳам билдирган. Агар у битта белбоғ тақиб юрган бўлса, унинг мол-дунёси битта авлодига етишини, 2-та бўлса иккита авлодга, 3-та бўлса учта авлодига етишини аниқлаган. Бой-бадавлат кишилар савдо билан шуғулланувчи савдогарлар турли хил рангли ипаклар билан тўқилган кумуш, тилло, тўқали камар боғлаб юришган. Қора чарм камар, турли хил нақшлар ялтироқ тошлар билан безатилиб, камарга пичоқ, ҳамён осадиган боғичлар қилинган. Оддий меҳнаткаш аҳолининг белга тақиладиган камар ва метал боғичларни сотиб олишга ёки тиктиришга қурби етмаган.

Эркаклар бош кийимлари ҳам ўзига хос этник ҳудудий, мавсумий белгиларга эга бўлган.

Сурхон воҳасида эркакларнинг кенг тарқалган бош кийимлари салла, дўппи ва телпакдир. Салланинг ёши катта кишилар, ўзига тўқ ҳамда уламо кишилар ўраган. Яна саллани мадрасада таълим олаётган ёш йигитлар ва янги уйланаётган куёвлар ўраганлар. Саллани бошга ўраганда чап томонидан бир учи икки, икки ярим қарич узунликда пеш қолдирилади ва юқорига қистириб қўйилган, номоз ўқиётганда пеш ён тарафдан кўкракгача осилтириб ўқилган, илмли кишилар пешни орқа томонга осилтириб қўйишган.

Эркакларнинг энг кўп ва кенг тарқалган бош кийими дўппидир. Дўппилар тикилиш услуби, безатилишига кўра бир-биридан фарқ қилган, дўппи авра, астар, жияк ҳамда пилтадан ташкил топган. Дастлаб ҳар бири алоҳида тикилиб, кейин қўшиб тикилган. Дўппиларнинг тикилишида салла тагидан киядиган думалоқ, қиррали, яъни “кулоҳ” ҳамда ўзи яқка ҳолда кийиладиган тўртбурчак хиллари бўлган. Шунингдек воҳада чорвадор аҳоли қиш фасли учун туя жунидан тўқилган матодан ҳам дўппи тикканлар. Воҳанинг қўнғирот, юз уруғига мансуб аҳолиси дўппини қалпоқ деб аташган.

Қишки мавсумий бош кийимларидан телпак XX асрнинг 20-30 йилларида расм бўлган. Телпак қандай матодан тикилганлигига қараб қорақўл телпак кундуз телпак тулки телпак номлари билан аталган. Воҳада қишки бош кийимларидан кулоқларни ёпиб турувчи «кулоқчин» ва «чўғирма» айлана баланд шаклда ичига пахта солиб қўй, қорақўл терисидан тикилган.

Сурхон воҳасининг деярли ҳамма қишлоқларида оёқ кийим тикадиган усталар бўлган. Аҳолининг анъанавий оёқ кийимлари маҳаллий усталар томонидан тикилган бўлиб, такаки, чорик, ҳаққари, мўкки, тоштовон каби оёқ кийимлар тайёрлашган. Этик ва махси ковушларни воҳадаги ҳамма усталар ҳам тайёрлай олмаган, бу хилдаги оёқ кийимлар учун хом ашё сифатида от, туя, қорамол, қўй ва эчкининг ошланган (ийланган) териларидан фойдаланилган. Тери жийда, зардоли, жинжак томирларидан қайнатиб тайёрланган сувга 2-3 кун солиб қўйилади, кейин қизғиш рангга кирган бу тери ийланади, такаки асосан қорамол терисидан қилинган. Чорик камбағаллар оёқ кийими эканлиги ҳақида ёзма манбаларда ҳам тўхталиб ўтилган. Махси ҳам, мўккилар ҳам сарка терисидан тикилган, асосан ёғингарчилик даврида кийиладиган ҳаққари ковушлар ёғочдан ясалган.

### **НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)**

Сурхон воҳаси аҳолисининг кийимларини мавсумий кийимлар, ўтроқ аҳоли кийимлари, чорвадор аҳоли кийимлари, ёш болалар кийимлари, эркаклар кийимлари, камбағал аҳоли кийимлари ўзига тўқ одамларнинг кийимлари, байрам ва тантаналарда кийиладиган кийимлар ва аза кийимларига туркумлаш мумкин.

### **ХУЛОСА ( ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)**

Сурхон воҳаси эркакларининг анъанавий кийимларида умумий ва алоҳида белгилар тарихий, иқтисодий, ижтимоий сабабларга кўра шаклланган ва асрлар давомида ўзгарган бўлиб, анъанавий бош кийимлари, белбоғлар, оёқ, кийимларида умумий ўхшашлик мавжуд эди. Эркаклар йилнинг иссиқ фаслларида оқ енгил ятак желак қишда пахтали нимча, тўнни анъанавий кийимлар сифатида кийишган. Айниқса бу даврдаги кийимлар ўзининг ранги ва безакларига кўра ҳам яққол фарқланиб турган. Воҳада эркаклар тўни оқ – яшил, оқ – қизил, оқ – сариқ йўл – йўл олача беқасамдан тикилган. Шунингдек, Бойсунда эркаклар сарғиш, қизил рангли босма чопонлар кийишган. Бу чопон ўзига хос кўринишга эга бўлиб, Республикамизнинг бошқа ҳеч бир жойда учрамайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Сурхондарё этнографияси ўқув кўлланмаси (муаллифлар С.Н.Турсунов, Т.Р.Пардаев) 2010.43-52-бетлар.
2. Дала ёзувлари Шеробод ва Жаркўрғон туманлари 2021 йил.
3. Д.Раҳматуллаева, У. Ходжаева, Ф. Атачанова Либослар тарихи -Т.: «Sano-standart» nashriyoti, 2015-yil. - 246 bet.
4. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. - Т.:Янги аср авлоди, 2005. - 215 б.
5. Дала ёзувлари Шеробод тумани Тарокли маҳалласи 2021.
6. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O 'ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO 'YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 568-577.
7. Mustafayev, U. U. (2021). TA'LIM BOZORI VA INTELLEKTUAL SOTSIAL "TOVAR" SIFATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 218-226.
8. Мустафаев, У. У., & Мустафаева, С. У. (2022). ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 697-706.
9. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO 'LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 914-921.